Ўзбекистон Республикаси
Бухоро вилояти
Ромитан тумани ҳокими
ҚАРОРИ

O'zbekiston Respublikasi
Buxoro viloyati
Romitan tumani hokimi
QARORI

2020 йил "31" июль · Ромитан тумани 40-сон

Ромитан туманида дам олиш кунлари савдо ярмаркалари ташкил этишни самарали йўлга қўйиш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунининг 6 ва 25-моддаларига асосан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 августдаги 253-сон қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси бозорларида савдо фаолиятини ташкил этиш қоидалари"га мувофиқ, туман ҳудудида дам олиш кунлари савдо ярмаркалари ташкил этиш билан боғлиқ фаолиятни тартибга солиш максадида,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ромитан туман "Ромитан деҳқон (озиқ-овқат) бозори" МЧЖ ҳудудида дам олиш кунлари савдо ярмаркалари ўтказилсин.

2. Туман давлат солиқ инспекцияси (Н.Болтаев), туман ички ишлар бўлими (Ш.Ҳайитов), туман санитария-эпидемиология назорати маркази (Р.Баротов) ва бошқа манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда:

- Ромитан туман "Ромитан деҳқон (озиқ-овқат) бозори" МЧЖ ҳудудида дам олиш кунлари савдо ярмаркаларини тайёрлаш, ўтказиш ва ёпиш бўйича зарур чора-тадбирларни ишлаб чиқилишини;
- дам олиш куни ярмаркалари ҳудудида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ва уларни қайта ишлашдан олинган товарларни, шунингдек илгари фойдаланишда бўлган ноозиқ-овқат истеъмол товарларини сотишга рухсат берилишини;
-дам олиш куни ярмаркалари ҳудудида савдо ўринларининг бепул берилишини таъминласин.

3. Қуйидагилар:

- товарга оид ҳужжатлар;
- сотувчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлган тақдирда дам олиш куни ярмаркаларида иштирок этиш ва маҳсулотларни сотишга рухсат берилиши белгилаб қўйилсин.

4. Ушбу қарор расман эълон қилинган кундан кучга киради.

5. Мазкур қарор "Ромитаннома" газетасида эълон қилинсин ҳамда ҳокимликнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари (Б.Наврўзов) зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими **Х.Тохиров**